

## Бақара сураси, 90-оят

18:59 / 16.10.2017 3549

**Ўзларини сотган нарса - Аллоҳ бандаларидан хоҳлаганига Ўз фазлидан нозил қилганига ҳасад қилиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага куфр келтиришлари қандай ҳам ёмон! Ғазаб устидан ғазабга қолдилар. Кофирларга хорловчи азоб бордир. Бақара 90.**

Яхудийлар пайғамбарлик араблардан бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга насиб қилганига ҳасад қилиб, иймон келтирмаганлар. Ҳолбуки, улар «Тавротда зикри келган пайғамбар ўзимиздан чиқади» деган ишонч билан унинг сифатларини арабларга айтиб юрар эдилар...

Ояти карима уларнинг бу қилмишларини

«Ўзларини сотган нарса» деб атамоқда ва жуда ҳам ёмон иш, деб баҳоламоқда. Шунингдек, ояти карима пайғамбарликнинг Муҳаммад алайҳиссаломга берилишини

«Аллоҳ бандаларидан хоҳлаганига Ўз фазлидан **нозил қилгани**» деб таърифламоқда. Одамларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг бандалари, аммо пайғамбарлик – Унинг фазли. Аллоҳ таоло пайғамбарликни кимга беришни бандаларидан, хусусан, Бану Исроилдан сўраб ўтирмайди. Бандаларининг вазифаси – Аллоҳ Ўз хоҳиши билан кимга пайғамбарликни ато этган бўлса, ўша зотга иймон келтириш.

Бану Исроилнинг Аллоҳ таоло Ўз фазлидан туширган нарсага

**«...ҳасад қилиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага куфр келтиришлари қандай ҳам ёмон!»**

Бану Исроил иймон келтириш ўрнига ҳасад қилдилар, Аллоҳ нозил қилган Қуръонга куфр келтирдилар. Ва бу билан:

«Ғазаб устидан ғазабга қолдилар».

Охиратда эса хор қилувчи азобларга қоладилар. Чунки у кунда

«Кофирларга хорловчи азоб бордир».